

## ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

### МАЛАКАЛИ ЧЕТ ТИЛИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ — УНИВЕРСИТЕТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ!



*Бу сафар таҳририятимиз меҳмони — ЎзДЖТУда илмий ишлар бўйича проректор, филология фанлари доктори, профессор Гуламдон Ҳисамовна Боқиева. Г.Ҳ. Боқиеванинг бутун ҳаёти ўзи талаба бўлган Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти ҳамда ўқитувчи сифатида фаолияти*

*давомида иккита илмий иш ёқлаган Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти билан чамбарчас боғлиқдир. ЎзДЖТУда у 25 йил мобайнида университетнинг ҳар томонлама ўсишидаги энг муҳим бўғинларида проректор сифатида ишлаб келмоқда.*

— Маълумки, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 1992 йилда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти ва Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти базасида ташкил топган. 25 йил ортга назар ташлаб, бугун республикадаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан ҳисобланган университетимизнинг ташкил этилиш жараёнлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бундан 25 йил ортга назар ташлайдиган бўлсак, республикадаги икки йирик институт: Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти ҳамда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти хорижий тиллар ҳамда рус тили ва адабиёти йўналишида малакали мутахассислар тайёрлар эди. Мен бу иккала олий ўқув юртининг ҳам талабаси бўлганман. Шу боис, мен учун ҳар иккаласи ҳам қадрли.

Мустақилликнинг илк даврларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан бу икки олий таълим муассасаси бирлаштирилиб, ягона Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ташкил этилди. Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти немис, француз, инглиз ва испан тилларида, Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти эса рус тили ва адабиёти бўйича таълим берган бўлса, янги ташкил қилинган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда инглиз, немис, француз, испан ва рус тили филологияси

факультетлари, шунингдек, таржимонлик факультети ташкил қилиниб, жаҳон стандартларига мос кадрлар тайёрлай бошлади.

Мустақилликка эришган ҳар бир давлат дунё билан мулоқот қилиши муқаррар. Шу боис мамлакатимизда ҳам чет тилларини пухта ўрганиш, бу соҳада мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайди. Истаймизми йўқми, бугун инглиз тили халқаро мулоқот тилига айланиб улгурди. Инглиз тилини мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий таълимдан кейинги таълим босқичларида ҳам, нофилологик йўналишларда ҳам ўрганиш изчил амалга оширилмоқда. Чет тили мутахассисларига ҳам юқори талаб қўйилмоқда. Яъни, у ўрганаётган тилини ўша тилда сўзлашувчи (native speaker) кишилар даражасида билиши керак.

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида таҳсил олган кезларим, рус тилини мукамал ўзлаштиришга ҳаракат қилганман. Мен рус тилида илмий мақола ёзаман, фикрлайман, ҳаттоки, шу тилда туш ҳам кўраман. Рус тилини билиш даражам – С2, деб бемалол айта оламан. Иш юзасидан Россия Федерациясида хизмат сафарига бўлган вақтларимда менга “рус тилида жуда яхши гапирар экансиз, талаффузингиз тоза”, дейишганда, бу гап эриш туюларди. Нега энди ўрганган тилимни яхши билмаслигим керак, деган ўй ўтарди ҳаёлимдан. Мен истардимки, биз тайёрлаётган мутахассисларимиз ҳам ўрганаётган тилини шунчалик пухта билиш керакки, бу каби саволлар уларни ҳам ҳайратлантурсин. Ўзи ўрганган чет тилида фикрлай ҳам олсин. Энг муҳими, бошқаларга ўргатишда билимини самарали сарфласин.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, 25 йил мобайнида университетимизда 25 га яқин чет тиллари ўргатила бошланди. Хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари, халқаро таълим марказлари, ташкилотлар билан алоқаларимиз йўлга қўйилди. Халқаро тажриба ўрганилди. Албатта, бунинг замирида дунёда ўз нуфузига эга мустақил Ўзбекистонимизда яратилган шарт-шароитлар, таълимга қаратилаётган катта эътибор туради. Дунё сиёсий харитасида Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлганидан сўнг, дуён бизни таниди, тилимизни ҳам ўргана бошлади. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларида ўзбек тили ҳам ўрганилмоқда. Ўз навбатида, бизнинг ҳам ўрганаётган хорижий тилларимиз қамрови кенгайди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида нафақат Европа ёки Шарқ тиллари, балки, тил билан бирга, ўша мамлакатлар маданияти, санъатини ҳам ўрганишга эътибор қаратилади. Масалан, илгари ўзбек ёшлари итальян тилини билган эмас. Ҳозирда ёшларимиз бу тилда ҳам чиройли сўзлаша олади. Ёки хитой, корейс, япон

тилларини оладиган бўлсак, илгари бу тиллар университетимизда ўқитилган эмас, аммо ҳозирги кунда биринчи тил сифатида ўқитилаяпти. Авваллари, грек, нидерланд тиллари бўйича мутахассис, ҳатто тил билувчи ҳам бўлмаган. Бугун талабаларимиз ҳинд, малай тилларини ҳам ўрганишмоқда. Бу тилларни ўргатиш учун ўзимизда мутахассислар йўқ эди. Бу борада хорижий давлатлардан мутахассисларни жалб қилишда элчихоналар катта ёрдам берди. Эндиликда, талабаларимиз иккинчи чет тилларини ҳам биринчи чет тиллари сингари мукамал ўрганиш имкониятига эга. Университетимиз битирувчилари биринчи ва иккинчи чет тилларида бирдай фаолият олиб боришмоқда.

— Сиз доим ушбу университетни ривожлантиришда фаол иштирок этгансиз. Хусусан, 1999 йилда университетда янги ташкил этилган халқаро журналистика факультетининг биринчи декани сифатида ҳам фаолият юритгансиз.

— Дастлаб журналистика факультети очилишида ўзим бош-қош бўлиш ниятим йўқ эди. Чунки мен журналист эмасман. Тўғри, биз фақат илмий мақолалар ёзар эдик, аммо матбуот учун ҳеч қачон публицистик мақола тайёрлаган эмасмиз. Менга шу таклиф билан мурожаат қилишганда “ахир мен филологман, журналист эмасман”, - дея рад этганман. Раҳбарият бир неча бор шу топшириқни берганда ҳам жавобим ўзгармади. Аммо раҳбарлардан бири “бу жараёни бошқариш учун ташкилотчи раҳбар, фидойий инсон керак”, деганларидан кейин билдирилган ишончни оқлашим керак, деган қарорга келдим. Ўша кезлар, яъни 1999 йил халқаро журналистика факультетида жуда катта ва қизгин жараён бошланди. Мазкур факультетни ташкил этиш бўйича махсус қарор тасдиқлангунига қадар кўп масалалар мени ўйлантирар эди. Масалан, журналистлар ким ўзи? Бу касб вакили қандай талабларга жавоб бериши керак? Ахир журналистларга ҳам барибир филология фанлари номзоди, филология фанлари доктори деган илмий даража берилади. Демак, бу касб эгаси айни пайтда ҳам журналист, ҳам филолог бўлиши шарт. Яъни филологияни ичида журналистика ҳам фаолият юритишини ўзим учун ойдинлаштириб олдим.

Ўзбекистон миллий университети журналистика факультетини битирган, четда таҳсил олган журналистлар, хорижий экспертлар билан мулоқот қилдик. Биргаликда ўқув дастурини яратиш, ўқув материалларини топиш ва қандай фанлар бўлишини белгилаш, дарс учун неча соат ажратиш бўйича ўзаро фикр алмашдик. Чунки Ўзбекистонда халқаро журналистика деган тушунча аввал йўқ эди. Фақат журналистика бўлган. Биз олдимизга дунёда мамлакатимиз имиджини яратадиган чинакам халқаро

журналистларни тайёрлашни мақсад қилдик. Халқаро журналист бу – ахборотни биринчи манбадан олиб бирор хорижий тилда узатадиган ёки таржима қилиб берадиган, қалами ва зеҳни ўткир мутахассис дегани. Бунинг учун у нафақат ўз соҳасини яхши билиши, камида битта хорижий тилни ҳам мукамал ўзлаштирган бўлиши шарт. Ана шундай ҳақиқий халқаро журналистларни тайёрлашга киришганмиз. Агар журналистика факультетларида теле, радио, матбуот журналистлари алоҳида тайёрланадиган бўлса, халқаро журналистика факультетида барча йўналиш сифатларини битта мутахассисда мужассам қилиш, яъни универсал бўлиш талаб этилар эди. Халқаро журналистика факультети талабаларига жуда катта талаб қўйилиб, мураккаб ўқув режаси тузилган. Бунда ҳам хорижий тил, ҳам мутахассислик фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилган. Айтиш жоизки, бунга муносиб кадрларни танлаб олиш ҳам осон кечмаган. Чунки халқаро журналист бўламан, деган йигит-қиз камида битта хорижий тилни мукамал билиши ва албатта ўткир қалам эгаси бўлиши керак эди. Дастлаб факультетда 8 та хорижий тил бўйича мутахассислар тайёрланган. Чунки ёш журналистлар ахборотни биринчи қўлдан олиб биринчи қўлга узатиши учун битта инглиз тилини билишнинг ўзи кифоя қилмас эди. Шу боис, 8 та тилни биладиган журналист тайёрлашни мақсад қилган эдик. Ҳозирги кунда эса факультет инглиз тили бўйича халқаро журналистларни тайёрлашга ихтисослашди. Афсуски, бугун биз ўша 8 та тилни йўқотиб қўйдик. Чунки қўйилган айрим вазифалар ўзини оқламади. Аммо қувонарли жиҳатлари ҳам бор. Ўтган давр мобайнида халқаро журналистика факультетини тамомлаган талабаларимиз хориж ва мамлакатимизда нуфузли лавозимларда фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг номини доим фахр билан тилга оламиз.

**— Илмий ишлар ва халқаро муносабатлар бўйича проректор сифатида университетда илмий соҳада эришилган натижалар, университетнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ютуқлари ҳақида гапирсангиз.**

— Азалдан университетда илмий салоҳияти юқори профессор-ўқитувчилар фаолият олиб боришган. Аммо сўнгги йилларда илмий соҳада мақташга арзигулик ишларимиз камроқ. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли жараёни (фан номзоди ва фан доктори) ўрнига, фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертация ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди. Олий малакали кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими, пировардида, докторлик

диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришиш, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бора оладиган ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, истъедодли ёш кадрларни тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади.

Ўтиш жараёни оғир кечди. Анча пайтгача диссертация ҳимоялари тўхтаб қолди. Бир босқичли тизим талабларига мослашиб, эндигина диссертациялар ҳимояларини бошлаш арафасида турганимизда, яна ўша аввалги икки поғонали тизимга қайтишимизга тўғри келди. Ўз-ўзидан талаблар яна ўзгарди. Бу давр мобайнида тадқиқотчиларимиз ўз илмий изаланишларини янада такомиллаштиришлари учун вақт етарли бўлди. Мана энди ҳимоя жараёнлари бошланди.

Ҳозирги тизимда докторантурага кирган номзодлар уч йилда илмий ишини ҳимоя қилиб чиқиб кетиши керак. Аммо ҳимоя бизга боғлиқ бўлмаган жараён. Биз уни ташкиллаштириб ҳам, ўтказиб ҳам бера олмаймиз. Аммо биз докторантлар билан белгиланган режа ва вақт асосида мунтазам равишда иш олиб бораяпмиз. Университетимизда докторантурада таҳсил олаётган тадқиқотчилар 3 йил давомида илмий ишларини ёзиб бўлиб, ҳимояга олиб чиқишлари, илмий мақолаларини хорижий ва миллий илмий нашрларда эълон қилишлари, малакавий имтиҳонларини топшириб бўлишлари шарт. Бу ўзим қаттиқ назорат қилиб бораман. Эндиликда докторантлар доцентлар лавозими даражасидаги маош олишади. Вақтида режани бажарган тадқиқотчи маошини олади. Бажара олмаганларга эса маош берилмайди. Мазкур усул амалиётда яхши самара бера бошлади. Чунки ҳар бир номзод белгиланган режани ўз муддатида бажариб, ҳимояни вақтида қилишга ҳаракат қилди.

Ўтган йилги битирувчилардан 6 нафар тадқиқотчи диссертацияларини муваффақиятли яқунлади. Улардан бир нечтаси докторлик илмий даражасига эришган бўлса, қолганлари жорий йилда ёқлашади. Университетнинг асосий кўмаги тадқиқотчиларга илмий фаолияти билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб берди. Эрталабдан кечга қадар ҳар бир тадқиқотчи университетда ўзига берилган хонада илмий иш билан шуғулланиши учун имконият мавжуд.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида ҳам бугун мақтовга арзигулик жиҳатларимиз бор. Университет бир қанча халқаро грантлар иштирокчиси. Хорижий давлатлардаги олий ўқув юртларида талабаларимиз, магистр ва докторантларимиз таҳсил олиб, малака ошириб қайтишмоқда. Шунингдек,

20дан зиёд чет тиллари бўйича 30га яқин хорижлик волонтер-ўқитувчилар ҳам талабаларга дарс берапти.

Фаолиятим давомида жуда кўп хорижий давлатларда бўлганман. Айрим университетларда яратилган шароитларга ҳавас қилар эдим. Аммо бугун Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига хорижликларнинг ўзи ҳавас билан қарайди. Дунёнинг мана ман деган нуфузли олий ўқув юртларидан сира қолишмайди. Университетда талаба, магистр, тадқиқотчи, профессор-ўқитувчилар учун катта ҳажмдаги босма ва электрон ўқув, бадиий, илмий адабиётларни ўзида жамлаган Ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Университетда бир нечта компьютер мавжуд бўлган пайтларни яхши эсламан. Ҳозирги кунда ҳар бир ўқув хонаси дарс жараёни учун зарур барча техника воситалари билан таъминланган. Бу шароитларни кўриб, баъзида қани энди ёшликка қайтсаму, мана шундай шароитларда ўқиб, ишласам дейман. Яратилган имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиб, билим олишлари шарт, деб ўйлайман.

**— Мана 25 йил давомида университет раҳбариятидасиз. Шу йиллар давомида кўплаб олимлар, фан докторлари, фан номзодлари, профессор-ўқитувчилар билан ишладингиз. Сиз бирга ишлаган энг ёрқин шахсларни эсга олсак...**

— Университетда ўз илмий мактабига эга кўплаб олим, академик, профессор-ўқитувчилар, фан номзодлари фаолият олиб боришган. Университетнинг ривожланишида профессор-ўқитувчи, талабадан тортиб оддий ходимнинг ҳам ҳиссаси бор. Мен бирга фаолият юритган кўплаб фан докторлари, фан номзодлари, ўқитувчилар шу даргоҳда таълим олган талабалар қалбида яшаб келмоқда. Уларнинг берган билими ва ўғитлари ардоқланади.

Бир йили Темпус лойиҳаси доирасида Исроил давлатидаги олий ўқув юртларидан бирида бўлдик. Ишонасизми, ўша ерда ҳам бизнинг университетда бир пайтлар дарс берган, ҳозирда ёши 80дан ошган бўлишига қарамай жуда фаол олимни учратдик. У киши бизга таълим берган домламиз бўлиб чиқди. Ўзбекистонда ишлаган йилларини кўзларида ёш ўзгача бир меҳр, соғинч билан хотирладилар. Мен ҳам кўз ёшларимни тия олмадим. Биласизми, талабаларимизга устозларининг инсонийлиги, олимлиги юққан. Илм излаб келган талаба фидойий устозларига ҳавас қилиб, уларга ўхшашни истайди. Шунинг учун ўйлайманки, ўқитувчида нафақат билим, салоҳият, балки одамийлик, фидойийлик, олимлик каби сифатлар бўлиши керак. Каттагина қалб керак ёшларга сабоқ бериш учун.

— **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг келажagini қандай тасаввур қиласиз?**

— Университетимизнинг келажаги ёруғ бўлишига ишонаман. Бу даргоҳдан ҳали дунё тан оладиган кўплаб олимлар етишиб чиқади. Бугунги кунда талабаларимиз чет тилларини мукамал билади. Менимча, бу университетда фақатгина тилни ўргатишнинг ўзи камлик қилади. Келгусида хорижий тилни пухта биладиган кимёгар, физик, математикларни тайёрласак ҳам бўлади. Хорижий тил илм-фан соҳаларини янада яхшироқ ўрганиш учун восита бўлиши керак деб ўйлайман. Мамлакатимиз ёшлари дунёда мавжуд турли соҳаларга оид билимларни ўзлаштиришлари учун ҳам камида битта хорижий тилни билишлари шарт. Умуман олганда, университетимизни тамомлаб чиқаётган ёшларнинг олган билимлари уларнинг келгуси ҳаётида асқотиши, ўз ўрнини топишига ёрдам беришини истар эдим.

Биз тайёрлаётган кадрлар салоҳиятига ҳам боғлиқ университет имиджи, унинг келажаги. Шунинг учун профессор-ўқитувчиларимиз билан бу борадаги ишларни замон шиддати мос олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

— **Биз билан ўтказган мазмунли суҳбатингиз, фикрларингиз учун ташаккур. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий салоҳиятини оширишда катта ҳиссангиз бор. Келгусида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўладиган тилшунос олимлар, филологлар, таржимон ва халқаро журналистлар тайёрлашда университетнинг алоҳида ўрни бўлишига умид қиламиз.**

**Гулмира Шукурова суҳбатлашди.**